



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 27 сентябрь, № 201 (7431)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида солиқ юкини камайитириш ва тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишдаги номунасоибликларни қисқартитириш бўйича чоралар амалга оширилди.

Истеъмоил бозорининг барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратилиш, шунингдек, қўшилган қиймат солигининг узлуksиз “занжири”ни шакллантириш мақсадида:

1. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солигининг ставкаси **20 фоиздан 15 фоизгача** пасайтирилсин.

2. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришининг амалдаги тартиби бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги тахрири лойиҳасида давлат солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг тижорат банкларидаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни “тахлика-тахлик” натижалари ва олдини олиш чораларини кўриши асосида 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тартибини белгиланишини назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилги Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлашда:

давлат корхоналари, устас жамғармаси (устав капитал)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устас жамғармаси (устав капитал)нинг 50 фоизи ва ундан кўпроқ қисми давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахсларга тегишли бўлган юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасининг **25 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилишини;**

дивиденд шаклидаги тўланадиган даромадларга солиқ ставкасини сақлаб қолган ҳолда, юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ставкасининг **15 фоиз миқдоридан** белгиланишини; қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби бекор қилинишини назарда тутсин.

4. Белгилансинки, илгари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобига тўланган ягона солиқ тўлови суммаси 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўтказилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида кенг тушунтирилишини ташкил этсин.

6. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазيري Ж. А. Қўқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р. А. Фуломов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 26 сентябрь

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА АЁЛЛАР ВА ЭРКАКЛАР ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

Олий Мажлис Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлисида маъқулланган, Президентимиз томонидан шу йил 2 сентябрда имзоланган “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда гендер сўзининг маъносига батафсил ургу берилди.

Қонун кучга кирди

Гендер — хотин-қизлар ва эркеклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча, шу жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоян бўладиган ижтимоий жиҳати эканлиги мазкур ҳужжатда аниқ ёзиб қўйилган. Бу масалага оид тушунчаларга берилган таъминоти изохларнинг мавжудлиги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳисобланади.

Мазкур Қонун хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳисобланади.

қаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, кўплаб масалаларга оидлиқ кириштириш, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, унда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари сифатида қонунийлик, демократизм, хотин-қиз-

лар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги, жинс бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги, очиклик ва шаффоқлик белгилаб берилди.

Давлатнинг хотин-қизлар ва эркекларга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида тенг ҳуқуқлилиқни кафолатлаши мамлакатимизда ушбу масаланинг устуворлигидан далolat бўлиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилганини кўрсатади.

Эндиликда бу йўналишда норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш долзарб бўлиб, бу доирада давлат дастурлари, миллий ҳаракатлар режалари ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш энг муҳим вазифа ҳисобланади.



ЭНГ ЯХШИ СТАРТАП УЧУН 50 МИНГ ДОЛЛАР БЕРИЛАДИ

26 сентябрь куни пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазмалар мажмуида ўзбекистонлик талабалар ўртасида “mGovAward” давлат мобил иловаларини ишлаб чиқиш бўйича республика танловининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري Абдулла Арипов ва Бирлашган Араб Амирикларининг ҳукумат ва келажақ ишлари бўйича вазيري Мухаммад ибн Абдулла ал-Қарқавий бошчилигидаги делегация иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري Абдулла Арипов

Ўзбекистон ва БАА ўртасида давлат бошқарувини такомиллаштириш, янги юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш соҳаларида ҳамкорлик ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Иқтидорли ёшларни кўллаб-қувватлаш Ўзбекистон давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Ушбу танлов эса улар-

нинг энг ноёб гоёларини рўёбга чиқариш учун яна бир имкониядир.

Бирлашган Араб Амирикларидан келган шериклар билан ҳамкорликда ўтказилаётган танлов талабаларнинг дастурлаш ва мобил иловаларни ишлаб чиқиш борасидаги салоҳиятини юксалтириш ва мустақамлашга қаратилган.



1 октябрь — ўқитувчи ва мурабийлар куни



Табиат ато этган ноёб иқтидорни тўғри йўлда сарфлаш ҳар кимнинг ўз қўлида. Полвонлар элу юрт шаъни билан бирга, ўз ор-номусини ҳимоя қилиш учун майдонга тушади. Санъат майдонида ҳам шунчаки ном чиқариш эмас, санъатнинг сеҳри, жозибаси, илоҳий мўъжизасини қалбга жойлаш ва сингдириш учун қирлади. Чунки тил, маданият, адабиёт ва санъатдаги ўзгаришлар миллионлар диди, савиясига таъсир кўрсатади.

Истеъдод булоқларининг кўзи очилмоқда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сиёсат туфайли республикамиздаги барча мусиқа мактаблари янгидан қурилгани, мусиқий сабоқларга машур халқ ҳофизлари, халқ артистлари, санъат арбоблари, халқаро мусиқа фестивалларининг совриндорлари жалб қилингани бежиз эмас. Санъат, бу — эзгулик, тинчлик элчиси. Турли миллатларни бир-бирига яқинлаштиради. Тўғри, катта табиий ва ижтимоий имкониятларга эга халқимиз. Айни пайтда мамлакатимиз илм-фан, адабиёт, санъат орқали ҳам танилиши мумкин. Айтайлик, юртимиздаги мусиқа мактабларида тахсил олган қанчадан-қанча ёшлар халқаро мусиқа

фестивалларида қатнашиб, Ватанимиз доруғини дунёга таратиб келмоқда.

Наманган шаҳридаги иختисослаштирилган санъат мактаби ҳам давлатимиз хайрихоҳлиги ва кўмағида замонавий ўқув масканларидан бирига айланди. Бу ғамхўрликларга кўникиб бораётган ёшлар бир вақтлар бунақа шароитлар бўлмаганини тасаввур ҳам эта олмайдди. Ваҳолонки, сифатга эмас, сонга этибор берилгани туфайли таълимдаги имкониятлар анча пасайиб кетганди. Бугун эса юртимизнинг хоҳ катта шаҳарлари, хоҳ чекка-чекка қишлоқларида бўлсин, мусиқа мактабларида давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилган

миллат ёшлари камолоти йўлида кўрсатилаётган юксак ғамхўрликлар намунаси.

— Ўзбек санъати келажаги мусиқа мактабларида тахсил олаётган, катта саҳналарга чиқаётган ёшларга боғлиқ. Мен мактабимизда республика миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловлар, нуфузли халқаро фестивалларда иштирок этиб, имтиёзли равишда олий таълим муассасаларига ўқишга кирган ўғил-қизлар номларини такрор-такрор тилга олишим мумкин. Хурсанд қиладиган жиҳати, кўп ёшлар — ўз санъати, ижро йўли, овози билан улуг санъаткорлар изидан боришмоқда.



МЕН — ДОЛАМАН, ДОЛАМАН...

Ҳайбатли қандиллардан зарҳаланиб қуйилаётган нурлар кўзини қамаштиргудек жисоланар, баланд шифт порцироқ юлдузларга тўлиб-тошган тин-тиник самони эслатаётганди. Барчамиз учун энг мўътабар кун — Мустақиллик байрамининг 28 йиллиги арафасида юксак унвону орден ва медаллар билан тақдирланган турли соҳа илғорлари вакиллари ўриндиқларда тизилиб ўтиришди. Қўзим улар орасидан бир инсонни — Олтинқўлдаги ота уйимдан бори-йўғи уч-тўрт маҳалла нарида яшовчи доврўқли фермер, бошига доим оқ рўмол ўраб юриши билан кўпчиликнинг алоҳида диққатини тортити турувчи қорамгағиз юзи жувонни қидириб топади. Сал фураст ўтиб, номи таптанавор тарзда эълон қилинади-ю, Президентимиз Шавкат Мирзиёев уни илтифот-ла қаршилаб, ўз қўли билан унинг кўксига “Ўзбекистон Қаҳрамони” олий нишони — “Олтин юлдуз” медалини тақиб қўяди.

Лолахон ҳақида кўп мақола ва очерклар битганман. Дастлабқисини ёзганимда ҳали туман газетасида ишлардим. Ушанда мақоламини ўқиганларнинг баъзилари ҳайрон бўлиб, ёзганларингиз ростми, ёшгина қизалоқ тракторда гўза қатор ораларига ишлов беришни чинданам уддалаяп-

тими, деб сўраганлари эсимда. У пайтларда терим машинасини бошқарувчи “Турсунойчи” аёллар сафи йил сайин кенгайиб борар, бу хол ҳеч кимни ортиқча таажжубга солмай қолганди. Терим машинасини эгитлар ичра текис бошқариб бориш ортиқча мураккаб юмуш эмасдек

кўринар, аммо бирон-бир туп гўзага шикаст етказмай, ерни маълум чуқурликка қатий риюя қилган ҳолда юмшатиш тракторчидан катта маҳорат талаб этар, бу нозик иш энг тажрибали тракторчиларгагина ишониб топширилади.

Киши ҳаётини кескин бурилти-

ларга кўпинча у-бу тасодифлар сабабчи бўлади. Лолахонда ҳам шундай бўлди. Каттут қишлоғидаги меҳанизаторлар тайёрлаш билим юрти битириб, мактабдаги юқори синф ўқувчиларига тракторчилик мутахассислиги бўйича дарс бериб юрган чоғида, шогирдлари билан бирга

далага ҳашарга борди. Эгаси ҳарбий хизматга олинган трактор хирмон четиде бекор турганини кўриб, аккумулятори “ўтириб” қолмадимикиан, деган ҳадиқда уни юргизиб кўрди. Шу пайт бригадир пайдо бўлиб, хой қиз, янги тракторчи топилгунча, шунинг ўзини миниб турсанг-чи, деб қолди. Лолахон нима дейишни билмай иккиланаётганда, “Кимсан — устаси фаранг меҳаник Неъмат аканинг боласисан, ўқувчилигингдаёқ гоҳ унинг кажавали мотоциклини олиб қочиб, гоҳ тракторини яширинча миниб, даки эшитиб юрганнингиям, ҳозирда моторни сочиб-йиғиш даражасига етганинингиям биламан, кўркмай кўнавер”, деди бригадир.



Кун воқеалари

қисса сатрларда

• Тошкентда полимерлар фани истиқболлариға бағишланган Ўзбекистон — Россия микросимпозиуми бўлиб ўтди.

Унда иштирокчилар полимер тизимлари назарияси ва моделлаштириш, нанотехнология ҳамда янги полимер материаллар, синтетик ва табиий полимерларнинг кимёвий модификацияси, полимер фани соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тажрибаси ҳамда муаммолари бўйича фикр алмашди.

• Термизда “Сайлов жараёни ва уни ёритишнинг муҳим масалалари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда сайлов жараёнларини кенг ёритиб бориш, шунингдек, уни юқори савияда ўтказиш бўйича кўрилатган хозирлик ва оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёнларидаги ҳуқуқлари муҳомама этилди.

• Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳуқуқ-тартибот идоралари, нодавлат нотариот ташкилотлари вакиллари иштирокида коррупцияга қарши курашда жамоатчиликнинг ролини оширишга бағишлаб семинар ташкил этилди.

Семинарда жамият ҳаётининг барча соҳасида коррупциянинг сабаблари ва юзага келиш шарт-шароитларини комплекс бартараф этиш, бу болада аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

• Ўзбекистон Республикаси Фавқуллода вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институтида ёнғинлар билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш ҳамда тергов қилишда назарий ва амалий билimlerдан фойдаланиш муаммолариға бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда содир бўлаётган ёнғинлар билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш жараёнларида юзага келадиган муаммоларга мақбул ечим топиш ҳамда ёнғинлар билан боғлиқ жиноятларни аниқлашда ёнғин назорати органларининг ички ишлар органларидаги суриштирув ва тергов хизматлари билан ўзаро ҳамкорликларини янада мустақамлаш масалалари муҳомама қилинди.

«Халқ сўзи» ва ЎзА муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Киз отаси билан маслаҳатлашиб олган, мактабдаги иш-ни топириб, бригадда тракторчилик қилишга ўтди. Бундан кейинги умрнинг олис йўлини белгилаб берган, не-не машаққатли имтиҳонларга дучор этган далачилик фаолияти ана шундан бошланди.

Хосилни йиғиб олиш фурсати келганида, Лолахоннинг кўнглида яна бир ҳавас тугилиб, “Энди менга терим машинаси беришлар, шу ишдаям ўзимни синаб кўрай”, деб туриб олди. Биринчи йили тўқсон тонна пахта терган бўлса, келаси йили бу кўрсаткични бир юз ўттиз тоннага етказиб, эркакларини ортда қолдириб кетди. Бу ютқунинг сирини сўраганларга, босиқ ва залворли товушда соддагина жавоб қилди:

— Бунда ҳеч қанақа сир йўқ. Эркаклар тушлик қилишга бир берилса, гурунглари чўзилиб кетади, келибоқ, агрегатнинг уёқ-бўёғига қараб ўтирмай, ишни бошлашди. Мен уйимдан опкелган овқатимни машинанинг соясидида ўтириб апил-тапил еб оламани-у, шпинделларни яна бир марта яхшилаб тозалаб, тезда ишга тушаман. Вақтдан ютишим эвазига бункеримга барака қўшилаверди. Бори шу...

Бори шу, ҳолос — тиришқоқликка одатланиш, иш вақтида ишдан бошқасини ўйламаслик, ўзгалардан бир қадам бўлса ҳам олдинга чиқиб олишга уринавериш, хашаки ҳаловатларга берилмаслик, танада танбаллик томир отишига йўл қўймаслик, аниқ мақсаддан чалинамаслик...

Унинг ҳислатида бундай одатларнинг шаклланишига отаси қачонлардир айтган сўзларнинг қалбига қаттиқ ўрнашиб қолгани тўртки берган бўлса, ажабмас. Қизалоқ ўшанда эндигина биринчи синфга борганди. Қўнлардан бир кун, кечки овқатдан сўнг “Алифбе”сини очиб, менинг исмиим қўшилган бир шёр бор экан, деб, ўқиб беришга тутинди:

Мен — Лоламан, Лоламан, Озода қиз бўламан...

— Одамларнинг умри кесак янчишу яғана, чолигу чеканка, пахта теришу кўсак чувиш билан ўтадиган қишлоқда озода қиз бўлишга вақт топиларканми? — дея маънодор лаб жимирди онаси Наима опа.

Шунда отаси Неъмат ака босиқ оҳангда деди:

— Озодалик фақат ювиниб-тараниб юриш, уйни саришта тутиш дегани эмас. Одам, аввало, шаънини покиза тутиши, номига доғ туширмаслиги, нима иш қилмасин, уни охирига етказмагунча ором билмаслиги, дакки эшитишдан эҳтиётланиб яшаши керак. Бунга эришишнинг биттаю битта йўли — ғайрат, ғайрат, ғайрат. Ғайратсиз одамда на чидам бўлади, на интизом. Кичикфёъл бир одамнинг катта дарси эди бу!

Киши зиммасига юклатилган ишни қўйиллатиб удаллаши орқали назарга туша бошладими, тобора эътибор қозонаверади, ўзгаларнинг унга нисбатан ҳурмати ҳам, ишончи ҳам ортаверади. Жамоа ҳўжалиқларида алоҳида ёшлар бригадалари тузиш урфга кирган давр-

да, раҳбарларнинг кўзи яна Лолахонга қадалди. Унинг бригадаси қаторасига тўрт йил режаларни биринчилардан бўлиб бажараверган, номи вилоят, республика миқёсида ҳам тилга тушди.

Қай вазифага тайинланмасин, тиштирноғи билан ёпишиб ишлашга одатланган бу қизни яна жойида тинч қўйишмади. Чўл минтақасида жойлашган, экин майдонларининг катта қисми Белариқнинг нарисидан ўзлаштирилган қумлоқ ва шўрхоқ ерлардан иборат бўлимни бошқаришга тақлиф этишди. Лолахон талвасага тушгудек бўлиб, “Нима, қиз болани чўлга сургун қилмоқчимисизлар”, дея қаттиқ эътироз билдирди. Тумандаги бошлиқлар ҳам ишга аралашиб, ҳар ёқлама ёрдамларига боришни ваъда қилишгача, отаси Неъмат ака масалага узил-кесил нўқта қўйди:



— Узоқ, овлоқ жой деб чўлдан қўркаверма. Мен урушда Сталинграддан Берлингача пиёда борганман. Белариққа қатнаш нима бўпти? Боравер!

Энг катта қийинчиликларни энгиб ўтиш уч йилга чўзилди. Экин майдонлари ортиқча кенглиги боис, шиддатли шамолларнинг йўналиши ўзгаришига монанд учиб турувчи қумлар карта-

Тинимсиз чекилган захматлар бўлим аъзоларига нихоят ўз муқофотларини тақдим этди, туртинчи йилга ўтиб, пахтадан мўлдан-мўл ҳосил олинди, режалар ошириб бажарилди. Бўлим кейинги йилдан эътиборан ҳўжалиқда пешқадамликни кўлдан бермайдиган бўлди. Ана энди мақтовларнинг ёғилишини кўринг. Лолахонни бу юмушга йўллаган раҳбарлар унинг саботига тан бериб, очигини айтсак, сизни бу ёққа юбораётим, чўлда бунчалик ўзгаришлар ясай олишингизга унчалар кўзимиз етмагани, деб хайрат изхор қилишди.

Қишлоқ аҳлининг унга бўлган ишончи шу қадар орта бордики, замона зайлига кўра, ҳўжалик бошқарувида ўзгача тизимга ўтилаётганида, янгитдан ташкил этилган ширкат ҳўжалигига уни раис этиб сайлашди. Шу лавозимда етти йил ишлаб, бутун бошли ҳўжаликни ҳам оёққа тургаза олди.

Замон ўзгараверди, тизимга янги-янгилар кириб келаверди. Ширкат ҳўжалиги 2007 йили ўз фаолиятини тўхтатиб, ерларни фермерларга бўлиб бериш бошланди. Тақдирни қарангки, энди фермерга айланган Лолахонга бир пайтлар ўзи ишлаган чўл зонасидаги ерларнинг бир қисми тегди.

Озодалик фақат ювиниб-тараниб юриш, уйни саришта тутиш дегани эмас. Одам, аввало, шаънини покиза тутиши, номига доғ туширмаслиги, нима иш қилмасин, уни охирига етказмагунча ором билмаслиги, дакки эшитишдан эҳтиётланиб яшаши керак.

Бир қараганда, ортиқча ташвиш йўқдек — унумдорлиги сустроқ бўлса-да, ўша-ўша таниш экинзорлар, эскиртдан синалиб келган ишчилар. Аммо бир ой ўтиб-ўтмасиданок, олдида ўзгача муаммолар бирин-кетин буй кўрсата бошлади. Эндиликда техника, ўғит, ёнилги таъминотлари илгаригидек марказлашган тарзда эмас, ҳатто экинзорга сув олиб келиш учун ҳам елиб-югуриш, талашиб-тортишиш зарур бўлади. Бундан бунёғига ўзинг фермер, ўзинг бугултир, ўзинг агроном, ўзинг химизатор, ўзинг омборчи. Вазият нечоғли чигал бўлмасин, Лолахон бошқарув борасидаги эски тажрибаларига таяниб, калаванинг учини тез топа олди, шароитга кўн сайин мослашаверди. Янги-янгича тизимга кўнқолайми, ўз лавозимдан воз кеча бошлаган айрим кўшини

фермерларнинг ерларини ҳам ўзини-кига қўшиб олишдан чўчимади. Натيجида иш бошлаган чоғи 121 гектарни ташкил этган экинзорлари кенгая бориб, охири салкам 500 гектарга етди. Лолахонни “жонли машина” дейишмади. “Машина” бу гал ҳам панд бермади. Пахтачилик ва фаллачилик тармоқларида тузилган шартномавий режалардаги рақамлар йил сайин кўтарилиб борса-да, узлуксиз равишда ошириб бажарилаверди. Бу ҳол унинг донгини биргина Фарғонага эмас, бутун республикага ёйди. Йирик-йирик анжуманлар, катта байрам тадбирларида бошга оқ рўмол ўраган, ёноқлари офтобда куйган аёл тобора кўпроқ кўзга ташланаверди, олдими, истаралигини-на қиёфаси юртдошларимиз хотирасига мустаҳкамроқ ўрнашиб бораверди.

“Замон ўзгараверди, тизимга янги-янги усуллар кириб келаверди. Ширкат ҳўжалиги 2007 йили ўз фаолиятини тўхтатиб, ерларни фермерларга бўлиб бериш бошланди. Тақдирни қарангки, энди фермерга айланган Лолахонга бир пайтлар ўзи ишлаган чўл зонасидаги ерларнинг бир қисми тегди.

тирғаич, тўртта француз севякеси мавжуд. Соф фойда ошгани сайин, ишчилар маошини кўтариш, бошқа зарур техникаларни харид қилиш, чорвачи-

ўша оппоқ дурра, эғнида чит қўйлак, беллида оқ сурп белбоғ, оёғида четларига лой ёпишган этик билан қўтиб олганди. Менга йўлдошлик қилаётган туман газетаси фотомухбири уни суратга туширмоқчи эканини айта туриб, эғнидаги кийимларга ҳафсаласиз кўз ташлаб қўйгани ёдимда. Унда, эпакалироқ кийиниб олишим керак бўлади, дея ўрнидан қўзғалаётган Лолахон фотомухбирининг, уйга бориб кийиниб келишингиз анча вақтни олади-да, деганини эшитиб, кулиб юборганди. Кейин “гуп-гуп” қадам ташлаганича шийпонга кириб кетади-ю, ҳаял ўтмай, нишонлар тақилган кўк нимчада қайтиб чиқди. Қўйлак ҳам бошқа. Оёғига энди янги этик кийиб олибди. Тўғлида мувозанатини сақоллас эмши.

Бу ерлар янги ўзлаштирилаётган даврда далашиёпон Лолахоннинг уйи бўлиб қолганини юқорида айтиб ўтгандик. Хануз шундайлигига турибди. Кийим-кечакларнинг асосий қисми шийпондаги хонлардан бирида сақланади. Махлисга чақирисадими, тўй-маъракаларга боришга тўғри келадими, либосини тезда алмаштириб кетаверади. Кўпинча шу ерда тамаддиладанади, иш тизиллаша шу ерда тунашга ўтади. Юрагининг парчасига айланган жонаҳон даласини ҳеч кимга ишонгиси келмаётгандек гўё.

Бу аёлни кўрганмида машҳур Маугли беихтиёр ёдимга тушаверади. Маугли ўрмонда ўсиб, борлиқ жонзот билан уларнинг тилида гаплаша оладиган бўлди, уларнинг душманлари унинг душманига айланди. Лолахон эса кўп умрини далада ўтказди, ўзига қадрдон бўлган барча экинларнинг тилини тушунадиган, даррлаша оладиган даражага етди.

Уларнинг дардини аритишга интилувчи, уларни ўргинчаккана, томир курти, шира, кўсак курти, беда қандаласа, бугдой занги янглиғ қаттол душманлардан мардона химояловчи жонқуяр дўста айланди. Энг эзгу орзулари рўёбини эгзгалар орасидан қилибди, бор меҳру муҳаббатини азиз элдошларига ризқ улашувчи экинларга бағишлаб келаятган ва бундан чексиз саодатни ҳис этиб яшаётган бу ажабтовур аёлнинг энг ноёб томони ҳам айнан мана шудир, балки.

Жамиятга фойдали одам бўлиб яшай олишга эришув йўли беҳад машаққатли, айна чоғда, кўнглини энтиктирадиган даражада беҳад роҳатбахшир.

Бурноғи йили Лолахоннинг далашиёпонига борганимизда, бизни бошида

лик, боғдорчилик каби кўшимча тармоқларни ривожлантира бориш, қуришилар қилиш, эҳтиёмжанд оилаларга кўпроқ кўмаклашишга ҳам янада кенг имкон туғилмоқда.

Лолахоннинг ҳўжалиги йилма-йил бойиб боряпти-ю, ўзининг тутуми, турмуш тарзи ҳамон ўша-ўша. На ҳашаматли уйи бор, на кўзачқатар автомашинаси. Муқофотга берилган “Дамас”ида юради доим. Бирон-бир маросимга ялтир-юлтур кийиниб борагани, қимматбахо тақинчоқлар таққанини ҳали ҳеч ким кўрмаган.

Ундан муаммолар ҳақида сўрайман. У хотиржам боқиб, жавоб қилади:

— Иш бор жойда эскиртдан аҳвол шу — битта муаммони ҳал қилсангиз, бошқаси туғилаверади. Мухими, муҳтарам Юртбошимизнинг оддий меҳнатчиларга кўрсатаётган чексиз ғамхўрликларини ҳар қадамда сезиб боряпмиз, у кишининг топириғига кўра ҳуқуматнинг энг нуфузли амалдорларидан тортиб, соҳа вазирлари, масъул идораларнинг бошлиқлари, вилоятимиз, туманимиз раҳбарияти мунтазам равишда ҳолимиздан хабар олиб турибди, пайдо бўлган “туғунлар” тез фўрдатдаёқ ечимини топяпти. Адолат қарор топишига ишонч кишиларимизнинг руҳини кўтаряпти, турмушдан ризолик туйғусини тобора юксалтиряпти. Ютуқларнинг асосий омили — мана шу.

Барчамизга насиба улашиб яшаётган қадқўл кишиларнинг фёъл-атворини шунақа — тепадагилардан доим эътибор қутади, арзи кимларнингдир қулоғига етиб, мушқули осонлашса, чеккан азоблари бир зумда эсдан чиқарибди.

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири.



Истеъдод булоқларининг кўзи очилмоқда

Уларни ўзбек санъатининг янги авлоди, янгича қарашлар ижодкори, десак, ҳақлимиз, — дейди “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби, мактаб директори Нортажи Юсупова. — Мактабимизда дарсдан ташқари, “Ўзбек халқ чолғулари оркестри”, “Пуфлама ва зарбли чолғулар оркестри”, “Скрипкачилар камер оркестри”, “Хореография ансамбли”, “Миллий эстрада гуруҳ”лари ташкил этилган. Санъатнинг қайси йўналишидан қатъи назар, мусиқий дарсликлар назарий жиҳатдан пухта. Болалар дарс жараёнида классикамиз тарихи, жаҳон санъатини пухта ўрганиб боради. Ёшларнинг миллий санъатимиз, хусусан, мақомга қизиқиши катта. Намақат мақом, балки жаҳон муомтоз мусиқалари, айниқса, опера санъатига қизиқиб, чекка-чекка қишлоқлардан келаятган ёшлар ҳам бор. Албатта, уларга катта билим ва тажрибага эга устозлар керак. Чунки опера санъати ҳам жуда мураккаб. Уларга қатор давлат муқофотлари соҳиблари, ўнлаб “Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хўнар таълими аълочили” ўқитувчилари

ри сабоқ бериб келмоқда. Тўғри, биз муомтоз оҳангдаги ашуулалар боқийлиги ҳақида кўп гапирамиз, лекин буларнинг теранлигини англамасак, тушунмасак, тингламасак, бундан нима наф?.. Ота-боболари қонидаги санъатни юзага чиқариш ёшларга боғлиқ. Барча таълим-тарбия ишларини бир нўқтада жамлаб ифода этадиган бўлсам, ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар ўзбек санъатининг обрў-эътиборини юксакка кўтаришга қаратилган.

Бугун санъатга юксак талаблар чўққисидан қаралаётгани бежиз эмас. Дунёга ўзлгимизни намён этиш учун жаҳон дарвозалари очилди. Бу эшиқдан илм, фан, техника янгиликлари билан бирга, “оммавий маданият” ниқоби остида маънавиятимизга ёт тушунчалар, бепарда мусиқий оҳанглар, қилиқлар, ўта замонавий кийимлар ҳам кириб келди. Ёшларимиз барчасини ўзида кўр-кўрона синаб кўраётгани, эҳтиросу жазаваларга берилиб, саҳнагача олиб чиқаятгани ташвишланарли. Аммо юртимиздаги мусиқа мактаблари дунёқараши янги, ижод майдонига

чинакам санъат, катта маданият, юксак инсоний фазилатлар билан кириб келаятган ёшларга камарбаста



даги энг нуфузли санъат олий ўқув юртиларига қўшига кириш имтиёзини қўлга киритдим. Ниятим элга манбўлаётгани таҳсинга лойиқ. — Санъатга меҳрим чексиз. Уйимиз деворида дўтор, рубоб осибди турарди. Дадам рубоб чаларди. Телевизордан катта созандалар Салоҳиддин Азизбоев, Абдухўшим Исмоиловнинг концерт дастурларидаги чиқишларини кўриб, гижжака қизиқиш уйғонган, — дейди мактабнинг 11-синф ўқувчиси Асадбек Мирзабахромов. — Мактабда ўқиш давомида гижжакада шашмақомдан “Таснифи дуғоҳ”, “Гардуни дуғоҳ”, “Савти Чоргоҳ”ларни чалишни ўргандим. Жорий йилда Ёш ижрочиларнинг республика кўриқтанловидан биринчи ўринга сазовор бўлиб, юртимиз-

Адиба УМИРОВА
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

ҚЎҚОН УНИВЕРСИТЕТИ МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қўқон университети чуқур касбий билим ҳамда илмий ютуқларга, илмий салоҳиятга, юксак интеллектуал қобилият ва ахлоқий фазилатларга эга, кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари даражасида мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланишга муносиб бўлган энг малакали педагог ходимларни қуйидаги мутахассисларга: профессор, доцент, катта ўқитувчи ва ассистент лавозимларига ишга қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади.

Танлов эълон қилинган таълим йўналишлари	Танлов эълон қилинган лавозимлар сони	
	Кафедра мудири	Профессор-ўқитувчилар сони (профессор, доцент ва бошқалар)
Иқтисодийёт		4
Молия		2
Менежмент	1	2
Тадбиркорлик		2
Меҳмонхона ва туризмни бошқариш		1
Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили		16
Мактабгача таълим	1	3
Бошланғич таълим		4

Танловда ўзбек, рус ва инглиз тилларида (хорижий тиллар — инглиз ҳамда рус тили ўқитувчилари учун CEFR, IELTS, TOEFL ва бошқа халқаро эътироф этилган тест натижалари бўйича зарурий сертификатларга эга) зарурий билим ҳамда кўникмаларга эга, ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини самарали қўллаш оладиган номзодлар иштирок этишлари мумкин.

- Шунингдек, қуйидаги йўналишларда ИШЧИ-ХОДИМЛАР ишга қабул қилинади:**
- 1) Бош муҳандис (энергетик).
 - 2) Контрактация ва харидлар бўйича мутахассис.
 - 3) Маркетинг (карьерча) бўлими мутахассиси.
 - 4) Иқтисодчи-сметачи.
 - 5) Матбуот котиби.
 - 6) Иқтисод ва педагогика йўналишидаги олий маълумотли мутахассислар.
 - 7) Ректор ёрдамчиси.
 - 8) Кутубхоначи.
 - 9) Дастурловчи (дастур бошқарувчиси) ва техник муҳандис.
 - 10) Хашмурачи.
 - 11) Котиба ва иш юритувчи.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Номзоднинг паспорт нусхаси;
- Диплом (дипломдан кўчирма)нинг нусхаси, илмий унвон ва даражаларни тасдиқловчи диплом, чет элда ўқиган бўлса, дипломи нострификациядан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома;
- Тўлдирилган сўровнома (маълумотнома — объективка);
- СТИР ва ШЖБПХ нусхаси.
- 3x4 см. ўлчамдаги рангли фотосурат (4 та).

Танловда иштирок этиш истагини билдирган номзодлар 2019 йилнинг 1 октябригача қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қўқон шаҳри, Туркистон кўчаси, 28-«А» уй. E-mail: kokandstaff@gmail.com
Тел.: 90-934-56-78, 73-545-55-55, 73-545-44-44.

ҚУЛАЙ, ИШОНЧЛИ ВА ҲАР ЖИҲАТДАН АФЗАЛ

«Асака» банки тизимида пластик карталарга хизмат кўрсатиш сифати ва қўлами ошмоқда.



Мамлакатимизда пластик карталар орқали нақд пулсиз тўловларни амалга оширишни ривожлантиришга «Асака» банки салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

«Асака» банки капитал ва активлар ҳажми бўйича республика тижорат банклари ўртасида етакчи молия муассасаларидан биридир. Ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан тараққий этиб бораётган ҳозирги кунда пластик карталар одамларнинг кундалик ҳаётидаги асосий тўлов воситасига айланмоқда. Бунинг сабабларидан бири пластик карталар орқали амалга оширилаётган тўлов турлари қўлами, сифати ва тезлигидир.

Молия муассасаларида



51 минг дона «Хумо» тўлов картаси муомалага чиқарилди. Шунингдек, 2019 йилнинг сентябрида ушбу карталарга овердрафт кредитларни ажратиш жорий қилинмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган матбуот анжуманида таъкидланганидек, **БУГУНГИ КУНДА** банкнинг барча филиаллари туну кун ишлайдиган **20 та** — 24/7 шохобча ва меҳмонхоналарда **189 та** банккомат ҳамда инфокиоскалар мижозларга хизмат кўрсатмоқда. Шу билан бирга, жорий йилнинг 31 декабрига қадар 24/7 шохобчаларнинг сонини **40 тага**, банккомат ва инфокиоскаларнинг сонини **266 тага** етказиш режалаштирилган. «Асака» банки томонидан муомалага чиқарилган пластик карталар сони **2 млн. донани** ташкил этиб, ўрнатилган терминаллар сони **12 мингтадан** ошган.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ижросини таъминлаш юзасидан «Асака» банки томонидан жами 2,5 минг дона «Хумо» миллий тўлов тизимига мансуб тўлов терминаллари ўрнатилди. Ҳозирги кунда

Мижозларга қулайлик яратиш ва масофавий хизматлар қўламини кенгайтириш мақсадида «Асака» банки томонидан «Asaka mobile» мобил иловаси жорий қилинган. Ушбу илова орқали картадан картага пул ўтказиш, онлайн омонат очиш, онлайн конверсия амалиётини ўтказиш, кредитларни сўндириш,

коммунал, бюджет, солиқ, интернет ва бошқа хизматлар бўйича тўловларни ўтказиш имконияти мавжуд.

Таққослаш учун мисол келтирамиз, 2018 йилнинг 8 ойи давомида жисмоний шахслар томонидан масофавий хизматлар орқали жами 250 млрд. сўмлик 2 069 000 та транзакция амалга оширилган бўлса, жорий йилнинг 1 сентябригача жами 407 млрд. сўмлик 1 894 000 та транзакция бажарилган.

«Asaka mobile» мобил иловаси орқали «оилавий карталар»ни бошқариш янги хизмат тури жорий этилди. У орқали мижозлар оила аъзоларига қўшимча карталар олиши ва ўз ҳисоб рақамидан ўзи белгилаган

лимит доирасида амалиётлар бажариши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш ва туристларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида «Асака» банки тижорат банклари ўртасида биринчи бўлиб «MasterCard», «UnionPay» ва «UzCard» тўлов тизимларига мансуб тўлов карталарини бир банккомат ёки терминалда хизмат кўрсатиш амалиётини жорий қилган ва бугунги кунда банккоматлар «HUMO» ҳамда «VISA» карталарига ҳам хизмат кўрсатиб келмоқда.

Банк матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Раис маҳалла шаънини ҳимоя қилиб, ИИБ бошлиғи қабулига кирди

Кармана туманидаги Арабхона маҳалласида етти йилдан буён бирорта ҳам жиноят қайд этилмаганди. Аммо...

Яқинда ҳудуддаги автомобилларга метан гази қуйиш шохобчасида қўл телефони ўғирланди. Ўғри қўшни автоўлақда газ олаётган мижозлардан бири — каттакўргонлик фуқаро эканлиги аниқланди, бироқ жиноят Араб-

хона маҳалласи ҳисобига қайд этилди. — Маҳалла раиси икки ишлар бошқармаси бошлиғи қабулига кириб, бу хатони тузатди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйи-

ча Навоий вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Н. Исоқов. — Ана шундай жонқур раисларимиз борлиги учун ҳам вилоятимизда жиноят қайд этилмаган маҳаллалар сони 154 тани ташкил этмоқда.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

АНДИЖОН томонларда

ҚИРҒИЗИСТОНГА МИКРОАВТОБУС ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Юртимизнинг кўшни давлатлар билан алоқаси тобора мустақамланиб бораёти. Хусусан, Қирғизистон билан дўстона муносабатлар савдо, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда кенгаймоқда. Қуни кеча мамлакатларимиз ўртасида микроавтобус қатнови йўлга қўйилгани ҳам бунга ёрқин мисолдир.

Ҳақли савол туғилади: автобус сўмга етиб келардим. Божхонадан ўтгунча икки соатча вақт кетарди. Микроавтобус қатновининг йўлга қўйилиши натижасида энди ҳам маблағ, ҳам вақтим тежаланди. Бундан ниҳоятда хурсандим.

Андижон шаҳридаги автошоҳбekaтда биринчи йўловчиларни кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда ҳар икки миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик, қардошлиқ ва қондошлиқ алоқалари юзасидан энгил автомашинада 15 минг

ҚИШЛОҚ БОЗОРИ Фойдаланишга Топширилди

Хўжабод туманининг Манак қишлоғидаги «Манак деҳқон бозори» ачинарли ҳолатда эди. Бу ерда олиб борилган таъмирлаш ишларидан сўнг деҳқон ва тадбиркорлар учун барча қулайлик яратилди.

— Ҳимиз тайёрлаб олган растада махсус лотни офтоб нури, чанг, ёмғир ва қордан ҳимоя қилиш имкони йўқ эди, — дейди тадбиркор Азизбек Хайдаров. — Тайинли жойимиз бўлмагани учун ҳар ерга қўчиб юраверардик. Энди бўлса шароит ўзгарди. Ҳамма мамнун.

126 ўринга мўлжалланган бозор Хўжабод туманининг Қирғизистон Республикаси билан чегарадош бўлган учта қишлоғида истиқомат қилувчи 8636 нафар аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов предмети: Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида давлат-хусусий шериклик асосида уруғчилик кластерлари ташкил қилиш. Уруғчилик кластерини ташкил этиш юзасидан маълумотлар ва шартлар танлов ҳужжатида кўрсатилган.

- Бухоро вилояти бўйича талаб этиладиган инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори: Лот № 2 — 4,2 млрд. сўм.
- Наманган вилояти бўйича талаб этиладиган инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори: Лот № 2 — 3,3 млрд. сўм; Лот № 3 — 10,0 млрд. сўм; Лот № 4 — 10,0 млрд. сўм.
- Қашқадарё вилояти бўйича талаб этиладиган инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори: Лот № 2 — 3,0 млрд. сўм; Лот № 3 — 12,5 млрд. сўм; Лот № 4 — 10,3 млрд. сўм; Лот № 5 — 8,7 млрд. сўм.
- Сурхондарё вилояти бўйича талаб этиладиган инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори: Лот № 2 — 5,0 млрд. сўм; Лот № 3 — 7,0 млрд. сўм; Лот № 5 — 21,4 млрд. сўм; Лот № 7 — 5,0 млрд. сўм.
- Фарғона вилояти бўйича талаб этиладиган инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори: Лот № 2 — 10,0 млрд. сўм; Лот № 5 — 10,0 млрд. сўм.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиғи вазирлиғи биносида 2019 йилнинг 7 октябрь кунини соат 16.00 да ўтказилади.

Танловнинг асосий шартлари

Танловда Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган, танловда иштирок этиш учун кўрсатилган талабларни бажарган, уруғчилик кластерини ташкил қилишга хоҳиш билдирган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахслар қатнашиши мумкин. Давлат ташкилотлари хусусий шерик сифатида иштирок этишлари, шерик, шунингдек, хусусий шерик тарафидан қатнашишлари мумкин эмас. Танловда иштирок этиш истагани билдирган талабгорлар танлов комиссиясининг ишчи органига мурожаат қилиб, танлов ҳужжатини олишлари мумкин. «Банкрот» деб эълон қилинган ёки тугатиш босқичида бўлган, ёхуд мол-мулки хатланган юридик шахслар танловда қатнашишига йўл қўйилмайди. Танловни ўтказиш ва унда иштирок этиш учун керакли ҳужжатларни тайёрлаш тартиби танлов ҳужжатида кўрсатилган. Ҳужжатлар 2019 йилнинг 5 октябрь кунини соат 14.00 гача қабул қилинади. Танлов тақлифларининг очилиши бевосита комиссия мажлисида амалга оширилади. Танлов якунлари асосида ғолиблар билан уруғчилик кластерини ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисида Уруғчиликни ривожлантириш маркази билан битим имзоланади.

Танлов ҳужжатини олиш ва танлов тўғрисидаги батафсил маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: 100058, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Наманган кўчаси, 70-уй. Телефон: 71-289-13-95. Факс: 71-262-53-72. Электрон почта: don1@urugmarkaz.uz.

«C and H Industry» МЧЖ ХК
Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади:

Гилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).
 Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, **SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.**

VOLVO махсус қурилиш техникалари

Гилдиракли экскаваторлар Занжирли экскаваторлар

SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)

Фронтал юклагичлар Экскаватор-юклагичлар Автогрейдерлар Катоклар

Тақлиф этилаётган барча техника учун қафолат муддати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзғариш» ҚФЙ, Белариқ маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони). **Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.** www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

Махсулотлар сертификатланган.

«TOW Co., Ltd» қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади.

www.uztow.com

«Universal Services of Central Asia» хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй. Тел.: 71-200-00-27 /28. E-mail: doosansales@uztow.com

Махсулотлар сертификатланган.

Ушбу жойда **Сизнинг** рекламнгиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўлаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 50 843 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Девонхона 71-233-52-55;
 Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлаб-қўлаб тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
 Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
 Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
 Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 21.00 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5 6